

Ўзбекистонда сайловолди жарафини урганиш учун мамлакатимизга келган элчи Мадлен Вилкинс бошчилигидаги Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХТ) делегацияси меҳмон бўлиб турибди. Делегация аъзолари Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясида бўлиб, Дустона вазиёда утган суҳбат чоғида комиссия раиси Н.Комилов халқаро ташкилот вакилларига мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Олий Мажлиси сайловларининг мустақил Ватанимиз ва халқимиз ҳаётидаги муҳим ижтимоий-сиёсий ҳамда маънавий аҳамияти тўғрисида тўхталиб...



ИШОНЧИ

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ
1999 йил 16 ноябр, сешанба № 162 (809)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

(ЎЗА)

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Жаноби Олийларига

Муҳтарам жаноб Президент Ислам Каримов, Биз 30 сентябрдан 11 октябрга қадар Конрад Аденауэр номидаги жамгарма таклифига биноан Сизнинг ажойиб республикангизда бўлдик. Биз Буюк Ипак йули шуҳрати ва неча минг йиллик тарихга эга булган Хива, Бухоро ва Самарқанд сингари, ҳақиқатан ҳам, Шарқ маданиятининг дурдоналари саналмиш шаҳарлар гузаллигидан лол қолдик. Улар ҳар қандай инсонни узига ром этади. Ҳар

қандай инсон бу дурдоналарни кургиси келади. Маҳаллий миқёсдаги сивасатчилар сифатида бизни мамлакатингизнинг коммунал ва иқтисодий соҳалардаги тараққиёти, шунингдек, немис фирмалари билан ҳамкорлик масалалари қизиқтирарди. Эрталардагидек ажойиб масканда жойлашган Шахрисабз шаҳрида ўз ҳамкасбларимиз билан қизгин музокаралар олиб бориш имконига эга бўлдик. Бунда навқирон республикангиз турри тараққиёт йўлини танлаганлигига амин бўлдик.

Муҳтарам жаноб Президент Ислам Каримов, Сизга ҳамкасбларимиз, бургомистрларга курсатган гамхурлигингиз ва бутун сафаримиз давомидаги мислсиз меҳмондорчилик учун алоҳида миннатдорлик билдирмоқчимиз. Бу сафар бизда бутунлай гаройиб ва унутилмас таассурот қолдирди. Сизнинг гузал мамлакатингизга фуқаролар фаровонлиги йўлида муваффақиятли ривожланиш ёр бўлишини ҳамда Ўзбекистон - Германия дўстлиги бундан буён ҳам бутун ер юзи-

да тинчлик урнатилиши йўлида янада мустаҳкамлашиб бораверишини тилаймиз. Камоли эҳтиром ила, Сизнинг бургомистрларингиз

Карл ШЭФЕР
Майкаммер шахри муниципалитети
Отмар КЛЯЙН
Бад Бергцаберн шахри муниципалитети
Эльмар ВАЙЛЕР
Херксхайм шахри муниципалитети
Манфред ЗЕЕФЕЛЬДТ
Оффенбах шахри муниципалитети
Людвиг ЛЕНБЕРГЕР
Анвайлер шахри муниципалитети

Касаба уюшмалари меҳнаткашлар ҳақ-ҳуқуқининг устувор ҳимоячиси

ИМКОНИЯТ ВА НАТИЖА

Мамлакатимизда сайловларга қизгин тайёргарлик кетмоқда. Ана шундай жўшқин дамларда касаба уюшмаларида ҳисобот-саноатлар зўр уюшқоқлик билан давом эттирилмоқда. Хусусан Ўзбекистон Алоқа ҳодимлари Касаба уюшмаси Марказий кўмитаси ҳам ўз курултойига пухта тайёргарлик қўрган ҳолда келди.



Ҳўш ҳисобот даврида қандай ютуқларга эришилди. Ўчимини қутаётган муаммолар, камчиликлар, галдаги долзарб вазифалар нималардан иборат? Мўҳбиримизнинг мазкур кўмита раиси Тохир НАЗАРЖОНОВ билан суҳбатни шу хусусда.

Битим ва жамоа шартномаси касаба уюшмаларининг маззун. Унга сизнинг муносабатингиз?

Битим ва жамоа шартномаси касаба уюшмалари ишининг маззунини ташкил этади. Кейинги беш йилда Битим ва жамоа шартномаларини тузиш ва ижросини назорат қилиш юзасидан талай ишлар қилинди. Лекин кузатувлар, хорижий мамлакатлардаги касаба уюшмалари тажрибаси ҳали бу ишда камчиликлар кўпчилиги, фаолиятни тубдан яхшилаш, тақомиллаштириш лозимлигини тақозо этмоқда. Мен бу билан кейинги йилларда тарқоқ касаба уюшма ҳодимлари, фаоллари олиб борган ишларни камситмоқчи эмасман. Муайян ишларни амалга оширишда, комиссия раиси ва бошқа томонлар батафсил ишлаб чиқилган.

Нега бу ишни қилдик? Илғор тажрибаларни таъкидлаган ҳолда айрим

жамоа шартномаларининг бўш тузилиши, ижросининг ўта сустлигини инкор эта олмаймиз.

Бир мисол. Баъзи вақтларда корхона маъмурияти маблағ топилмаётгани деб имтиёزلарни бир томонлама бекор қилиб юборади. Айрим касаба уюшма кўмиталари раислари қонун-қондан яхши билмайди ёки муносабатларни қўриқиб туришга асос бўлувчи жиҳатлар бўлиб, пировардида ижтимоий барқарорлик ва ижтимоий тараққиётга олиб келади. Албатта улар Битимлар ҳамда жамоа шартномалари орқали амалга ошади.

Биринчи галдаги вазифа ижтимоий шерикчилик асосида Битимлар ва жамоа шартномаларининг тўла бажарилишини таъминлашдир. Ана шу мақсадни қўлаб қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Уларнинг энг каттаси Алоқа тармоғида ижтимоий шерикчилик ҳақидаги Норматив ҳужжатлар, муаммолар, камчиликларни қандай ҳал этиш масалалари қаратилган. Шулар билан бир қаторда жамоа шартномаларини тузиш, қўриб чиқиш, томонлар жавобгарлиги, вазифалари, ишчи комиссиясининг иши, комиссия раиси ва бошқа томонлар батафсил ишлаб чиқилган.

Нега бу ишни қилдик? Илғор тажрибаларни таъкидлаган ҳолда айрим

да ҳам тўхталсангиз. - Очик айтиш керак, ижтимоий ҳимоя учун моддий асос қаердан пайдо бўлади? Шубҳасиз қилинган самарали меҳнат, илғор технология туфайли келадиган даромаддан. Демак, иқтисодий, яъни, ишлаб чиқаришни барча чоралар билан кўтариш, юксалтириш керак. Боқимандаликни илдири билан тугатиш, меҳнатга муносабатни ўзгартириш, покисаллик, фидойиликни, билимдонликни тарбиялаш керак.

Хукуматимиз шу мақсадда катта тадбирларни амалга оширмоқда. Касаба уюшма кўмиталари иш берувчилар билан бу йўналишда биргаликда, самарали иш-лашлари даркор.

Тармоқ маъмурияти билан бу борада тадбирлар ишлаб чиққанми. Жойларда фаол иш олиб борилмоқда. Бир-лашмалар, корхоналар, ташкилотларда маънавият хоналари, бурчаклар ташкил этилган. Учрашувлар, давра суҳбатлари, машғулотлар ўтказилмоқда.

«Аёллар йили»да «Алла» кўрик-танлови ўтказилди. Миллий урф-одатларни давом эттириш ва тиклаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш фаолиятимизда марказий ўринни эгаллайди.

«Сайловлар тўғрисидаги қонунларни биласизми?»

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси депутатлари сайлови тобора яқинлашиб келмоқда. Бинобарин, Марказий сайлов комиссиясининг иши ҳам тобора фаоллашмоқда.

Яқинда Тошкентда яқинлашиб келадиган сайловларга тайёргарлик қилиш ва уларни ўтказиш билан боғлиқ қатор масалаларга бағишланган семинар-кенгаш бўлди. Семинар-кенгашда Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг округ сайлов комиссиялари раҳбарлари ҳамда аъзолари қатнашди. Марказий сайлов комис-

сияси раиси Н.Комилов ўз нутқида қайд этганидек, сайлов округлари ва участкалари вакиллари Ўзбекистон Республикасининг сайловлар тўғрисидаги қонунларига мувофиқ, уларга берилган барча ваколатлардан фойдаланиши керак. Айни пайтда депутатликка номзодларнинг барчаси тенг ҳуқуқ ва имкониятга эга бўлиши лозимлиги алоҳида таъкид-

ланди. Парламентга сайланадиган халқимизнинг энг муносиб вакиллари фақат тенг шaroитдаги ҳалол кураш асосида аниқланиши лозим.

Семинар-кенгашда депутатликка номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувини ташкил этиш, матбуот, телевидение ва радиода сайловолди кураши ва ташвиқотини олиб бориш шартлари ҳам муҳокама қилинди. Ингилганлар ишончи вакилларнинг фаолияти, чет эл кузатувчиларининг иши тўғрисидаги саволларига ҳам жавоб олдлар.

Шу ҳафтада Ўзбекистоннинг барча вилоятларида ана шундай семинар-кенгашлар ўтказилди.

ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ЯХШИЛАНДИ

Навоий ГРЭСида соатига 100 тонна дисперланган сув ишлаб чиқарадиган йирик иншоот фойдаланишга топширилди. Натижада шаҳарнинг йирик саноат корхоналари ва хонадонлари иссиқ сув ва иссиқлик бир меъёрда етказиб берилмошди. Айни вақтда корхона раҳбарияти ишчи-хизматчилар турмуш шароитини яхшилашга ҳам алоҳида эътибор қаратяпти. Кўни кеча энергетикларнинг 50 оиласи янги уйларга кўчиб ўтди.

Шуни ҳам айтиш керакки, айрим саноат корхоналари ва ташкилотларнинг ношудлиги оқибатида ГРЭСга 6 миллиард сумлик электр энергияси, 1 миллиард сумлик иссиқлик энергияси қарзи туланмай келинмоқда. Бунга йўл қўйилмаганида эди, ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, маданий-маиший ишларга кўпроқ маблағ ажратиш мумкин булур эди.

ТИНИМ БИЛМАС КИШИЛАР

Денов тумани галлакорлари келгуси йил мул ҳосили тарқудуни бошлаб юборди. Минерал ва маҳаллий угит солиниб, дон экишга мослаб шўдгорланган 10 минг гектардан кўпроқ ерга баракка уруги қадалмоқда. Нав ташлаш ишларига алоҳида эътибор қаратилаётир. Бугдўининг занг касалига чидамли «Купова», «Паловчанка», «Княжна», «Крошка» каби навлари экиляпти.

НОМЗОД ДАСТУРИ

Риштон туманидаги 188-«Риштон» сайлов округидан Олий Мажлиси депутатлигига «Адолат» социал демократик партиядан номзод қўрсатилган И.Раҳмонов, Халқ демократик партиясидан номзоди С.Солиев, «Фидокорлар» миллий демократик партиясидан номзоди З.Султонов, ҳокимлик вакиллари билан «Истиклол» ҳўжа-лигида сайловчилар билан учрашувини бўлиб ўтди.

Учрашувда ҳар бир номзод ўз сайловолди дастурини сайловчилар ҳўжмага ҳавола этди. Айтиш жоизки, дастурларда «Менга овоз берсангиз, қишлоқингизни газлаштираман, кўчангизга асфальт ётқизиб бераман» қабилидаги қуруқ ваъдалар йўқ. Ҳар бир номзод агар Олий Мажлиси депутатлигига сайланса, қишлоқ аҳолисининг турмуш тарзини яхшилаш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, меҳнаткашлар моддий манфаатдорлигини ошириш борасидаги қонунларни тайёрлаш ва ҳаётга татбиқ этишда фаол бўлиши, мавжуд муаммоларнинг ечимини нималарда қўриши ҳақи-

да гапирди.

Фуқаролар ҳар бир партия, ҳар бир номзоднинг сайловолди дастурини тегуран урганмоқда. Зеро, уларнинг эртанги тақдирини кўп жиҳатдан шу ҳудуддан сайланган депутатга, унинг билгани ва савиясига боғлиқ. Одамлар собиқ одам депутат бўлиши билан бугунги сайловлар тубдан фарқ қилишини тушуниб етмоқда.

Номзодларимизнинг дастурлари яхши, дейди учрашувда сузга чиққан сайловчи Нурмамат ота Дўсमतов. - Истагим шуки, уларга киритилган мақсад ва вазифалар қозғода қилиб кетмасин. Чўнки, илгари сайловларда қанчадан қанча қуруқ ваъдалар бериб, кейин бирон марта ҳўл сурамаган депутатларни жуда кўп курганман. Мен ҳар кимни ўз хоҳиш-иродаси билан муносиб номзодга овоз беришга қақираман.

Ҳўзиргача икки жойда ана шундай учрашув ўтказдик, - дейди 188-«Риштон» округ сайлов комиссияси раиси А.Асқаров. - Мен илгарилари ҳам сайлов билан боғлиқ жараёнларда қатнашганман. У пайтда кишилар сайловга жуда бекор эди. Ким, қандай одам депутат бўлиши билан қизиқмасди. Чўнки, аҳоли қуруқ ваъдаларга алоҳида эътибор берди. Бугунги сайлов жараёнига эътибор берсангиз, одамлар ўз овозининг қадр-қимматига нақадар эътибор билан қаравётганини кураисиз. Сайловчилар жонқуяр, ҳалол ва билимли одамларни саралаб олишга ҳарақат қилмоқда.

БАРЧА ШАРОИТ МУҲАЙЁ

Асака шаҳрининг 253-сонли сайлов участкасига уятчан бир қиз кириб келди. Сайлов участкаси раиси Фозилжон Умаралиев қизни меҳрибонлик билан кўтиб олганлиги туфайли, у дадиллашиб, ўз мақсадини айтди.

Мен Сайёра Қаҳҳороваман. Асака шаҳрининг касб-ҳўна қўлида ўқийман. Бу йил биринчи марта сайловда қатнашаман. Лекин 5 декабр кўни ким учун овоз беришимни ҳали ҳал қилмадим. Шўнинг учун номзодлар ҳақида тўлароқ маълумот олмақчиман.

Сайлов олдида келганингиз учун сизга раҳмат, - деди Фозилжон ака. - Мана, депутатликка номзодлар республика Олий Мажлиси, халқ депутатларининг вилоят ва Асака шаҳар кенгашлари депутатлигига номзодлар учун овоз берасиз. Бу босқичларнинг ҳар бирида бир неча мўқоабил номзод бор.

Номзодлар ҳақидаги ахборотлар билан танишгач, Сайёра сайлов кўни ҳудди узидек йлқ бор овоз беравётган уртоклар билан барвақт келишга ваъда берди. Бу участка бўйича ҳаммаси бўлиб 36 ёш сайловчи рўйхатга олинган. Улар билан сайловлар ҳақидаги қўнунчилик юзасидан тушунтириш ишлари олиб борилмоқда, юристлар, халқ депутатлигига номзодлар билан учрашувлар ташкил этилмоқда.

Бундан ташқари, ҳомий меҳнат жамоалари ёрдамида ёш сайловчилар учун эсдалик совғалари ҳўдирланган. Совғалар сайлов кўни уларнинг ота-оналари, тенгдошлари, меҳнат ва уруги фахрийлари иштирокида топширилади. Бу дақиқалар фотосуратларда мўхрланди.

Бир суз билан айтганда, 253-сайлов участкасида сайловларга пухта ҳозирлик қўрилмоқда. Бу ерда ҳар бир фуқаро ўзини қизиқтирган саволларга жавоб олиши мумкин.

ТЕЗКОР ШАРҲ

УКРАИНА: ЛЕОНИД КУЧМАНИНГ ИШОНЧЛИ ҒАЛАБАСИ

Ўтган яқшанба кўни Украинада Президент сайловининг яқуний босқичи бўлиб ўтди. Украина Марказий сайлов комиссиясининг маълумоти-га қараганда, сайловда амалдаги Президент Леонид Кучма энг кўп овоз олишга муваффақ бўлган. Тадбирда 74 фоиз сайловчи иштирок этди.

Дастлабки натижаларга қўра, уларнинг 56,08 фоизи, яъни 15 миллион киши Леонид Кучма учун, қарий 38 фоизи, яъни 10 миллион киши эса Украина коммунистлари йўлбошчиси Петр Симоненко учун овоз берган. Марказий сайлов комиссиясининг маълум қилишича, Украинанинг гарбий вилоятларида аҳолининг 90 фоизи Леонид Кучманинг Президент бўлишини қўлаб-қувватлаган. П.Симоненко эса Крым ва Черниговск вилоятларида рақибини орқадан қолдирган.

Шўнисини қизиқки, Черниговск вилояти Леонид Кучманинг тугилган юртидир. Бу ерда П.Симоненко учун сайловчиларнинг 55,55 фоизи овоз берган бўлса, 37,7 фоизгина ўз юртдошини қўлаб-қувватлади, ҳолок.

Украинада Президент сайлов натижалари узоғи билан турт-беш кўнда расман эълон қилинади. Ле-

кин, нима булганда ҳам, дастлабки натижаларининг ўзи мамлакат раҳбари Леонид Кучманинг рақибидан қарий 18 фоиз кўп овоз олганини курсатмоқда. Бу Леонид Кучманинг назорат қилиш учун 38 мамлакатдан 575 нафар кузатувчи келган. Шўнингдек, Европа Парламент ассамблеяси кенгаши ва бошқа кўлаб халқаро ташкилотлар вакиллари ҳам сайлов жараёнини кузатиб борди.

Украинада аввалги Президент сайлови 1994 йили

булиб ўтган эди. Ушанда Леонид Кучма 52 фоиз овоз олиб, ғолиб келганди. Бу гал эса у иккинчи муддатга сайланди. Леонид Кучма сайлов арафасида ўзининг кейинги режалари ҳақида гапириб, агар ғалаба қозонса, мамлакатда иқтисодий ислохотларни давом эттиришини маълум қилган эди.

Леонид Кучманин Узебекистонда ҳам яхши билишди. Ўзбекистон мустақилликка эришгандан кейин дўненинг кўпгина давлатлари қатори Украина билан ҳам самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Кўпчилик сивасатчилар мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий, сиёсий ва ма-

даний ҳамкорлик стратегия даражага кўтарилганини таъкидлайди. Бунда давлат раҳбарларининг дўстлиги, бир-бирини яхши тушуниши ва ҳўрматлаши ҳам аҳамият касб этаётир. Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги ҳамкорлигининг тобора кенгайиб бориши айнан Леонид Кучма Президентлик қилган даврга тўғри келади. Яқинда давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг Украинага буюрган давлат ташрифи икки мамлакат ўртасидаги аниқлави дўстлик муносабатларини янада юқри босқичга кўтарди.

Саймурод РАҲИМОВ, ЎЗА шарҳловчиси.

Бизнинг номзодлар

ҚАЛЪ ЁЛҚИНИ

Ўзбекистон ҳудудида яшовчи ҳар бир миллат, элат ўртасидаги дўстлик ришталари тобора муштаҳамланиб бормоқда. Оққўрғон туманида бўлган бир воқеа бунинг яққол мисолидир. Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзоси, академик, юридик фанлари доктори В.Ким ўз ташаббуси ва туман ҳокимлиги ёрдамида Корея Республикасида бир гуруҳ шифокорларни туманга таклиф қилди. Улар уч кун давомида 637 нафар беморни қабул қилиб, уларга ҳайрия тиббий хизмати кўрсатдилар. 500 минг сўмликка яқин дори-дармондан ёрдам кўрсатилди. Шунингдек, 406 нафар кўзлари ҳасталанган беморларга кўзойнаклар ҳада қилишди.



Юридик фанлар доктори илмий даражаси берилиб, Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси аъзолигига қабул қилинди. Хозирги кунда В.Ким Қуйи Чирчиқ тумани адвокатлари уюшмаси раҳбари вазифасида ишлаб келмоқда. Владимир Ким маҳалламизда ўтаётган ҳар бир тадбирда фаол иштирок этмоқда, - дейди Ҳабибулло Ҳамдамов. - Кам таъминланган оилаларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда. Маҳалламиздаги тарбияси оғир болалар билан мунтазам иш олиб боради. П.ЭРГАШЕВ.

Туман кенгаши депутатлигига номзоди кўрсатилган В.Кимнинг инсонпарварлигини маҳалламиз ва туманимиз ахли жуда миннатдор, - деди «Бирлик» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси И.Содиқов. - У туманимиздаги Корея маданият марказига расислик қилиш билан бирга, ўзбек ва корей халқлари ўртасидаги дўстлик алоқаларини муштаҳамлашга муносиб ҳисса қўшмоқда. Унинг ёшлиги болалар уйда ўтди. Урта мактабни тугатгач, йиғилки бурчини ўтади. Тошкент Давлат университетининг юридик факультетини тахсил олди. 1971 йили Тошкент вилояти адвокатлар ҳайъ-

атида унинг қизгин фаолияти бошланди. Тергов ва суд давомида адолат тантанга қилиши учун курашди. Унинг мардлиги ва билимдонлиги «пахта иши» даврида яққол ўзга ташланди. Кўплаб одамлар Гдлян ва Ивановлар чангалидан қутқариб қолди. Бу билан одамлар орасидаги обрўси янада ортди. Уни ўзбек ва корей дўстлиги жамияти раислигига сайлашди. В.Ким самарали ишлаш билан бир қаторда ўз халқининг тарихини ёзишга жазм қилди. Бунинг учун тунимсиз изланди, архив ҳужжатларини кўздан кечирди. Изланди, иштиёб ва юксак масъулият туфайли ажойиб асарлар юзага келди. Унинг бу асарлари юқори баҳоланиб, унга

Сайлов қонунлари амалда

Уйчи туманининг 30 та сайлов округидан 103 нафар депутатликка номзод рўйхатга олинган. Сайловчилар уларнинг фазилатлари, ишчанлик қобилиятини синчилаб ўрганиш имкониятига эга. Дастурлар билан танишиш, уларга баҳо бериш жараёнида одамларимиз онги, тушунчаси сезиларли даражада ўзгарганлигининг гувоҳи бўлаёلمиз.

Нега бу галги сайловларга тайёргарлик жараёни бу қадар қизгин кечмоқда? Фикримча, биринчидан, мустақиллик шарофати билан фуқароларнинг, ижтимоий-сиёсий фаолиги, ҳуқуқий саводхонлиги, анча ошган. Иккинчидан, сайловлар том маънода демократик тамойиллар асосида ўтказилаётганлигига ҳар бир фуқаро чуқур ишонч ҳосил қилди. Учинчидан, тарғибот-ташвиқот ишлари ижобий самараларини бермоқда. Дикқатимизни жалб қилган, барчани бағоят хурсанд этган яна бир нарсаси - илк бор сайловчилар ташаббускор гуруҳларининг депутатликка номзодларни кўрсатиши бўлди. Бу халқчиллик деганимизнинг айнаи ўзгинаси. Узим ҳам сайлов участкасида бўлиб, номзодлар билан яқиндан танишдим. 5 декабр куни Ватанимизга, жамиятимизга катта наф келтирадиган, салоҳияти кучли, бир сўз билан айтганда, энг муносиб номзод учун овоз бераман.

СИЗ КИМ УЧУН ОВОЗ БЕРАСИЗ?

алар қатори Олий Мажлис депутатлигига номзодлар - Тошкент педиатрия тиббиёт институтини кафедра мудири Санъат Азизова, «Зилот Булок» ишлаб чиқариш корхонаси директори Абдуманноп Мавлянов ва бошқаларнинг таржимаи ҳоли, амалга оширган энг яхши ишлари билан яқиндан танишдим. Маҳалламизда бўлиб ўтган учрашувда уларнинг инсоний фазилатлари яна ҳам ойдинлашди. Номзодлар тарғиботи тенглик асосида, гоят адолатли тарзда амалга ошириляпти. Шу аснода муҳим сиёсий жараёнга тайёргарлик кўриш, уни ҳар томонлама намунали тарзда, ушқоқлик билан ўтказиш юзасидан таҳриба тўпланяпти.

Ким учун овоз берамиз? Бу савол бугунги кунда сайловчиларнинг ақсарияти учун муҳим бўлиб қолмоқда. Бу масалада уларга ёрдам бериш, энг муносиб номзодни сайлашга кўмаклашиш учун жойларда номзодлар билан сайловчиларнинг учрашувлари бўлиб ўтмоқда. Наманган вилояти ҳудудида фаолият кўрсатаётган Олий Мажлисга сайловлар ўтказувчи 20 та округнинг барчасида мана шундай учрашувлар ташкил этилмоқда - дея ҳикоя қилади ЎЗА муҳбири Н.Хўжаева.

қўмиб ташлади. Сайловчиларни нафақат номзодларнинг келгусига мўлжаллаган режалари, балки уларнинг хозирги кунда нима билан машғул эканлиги, вилоятнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ҳал қилишга қандай ҳисса қўшаётганлиги ҳам кизиқтиради. Бундан кейин ҳам сайловолди ташвиқоти-

молар билан банд. - Округ ҳудудидаги 27 та сайлов участкасининг ҳаммасида дастлабки рўйхатлар тузиб чиқилди, - дейди округ сайлов комиссияси раҳбари, умумий оқватланиш бирлашмаси раиси Лутфулло Миртазохонов. - Хозир бу рўйхатларга зарурий тўлдиришлар ва аниқликлар киритилмоқда. Комиссиямиз

ган учрашувларда иштирок эта олмайди. Шу сабабли, сайлов участкаси комиссияси аъзолари рўйхатга олиш пайтида сайловчиларга бу галги сайловларнинг тартибини тушунтиради, депутатликка номзодлар ҳақида ахборот беради. Сайловчилар билан ўтказилган сўхбатлар натижасида шу нарсаси ойдинлашдики, сайловлар нафақат ёшларни, балки кексаларни ҳам кизиқтирмоқда. - Мен шунга хурсандманки, ҳақиқатан ҳам демократик сайловларда иштирок этишимга имконият яратилди, - дейди наманганлик 73 ёшли нафақатхўр Болтабой Раҳимов. - Мен ҳали ким учун овоз беришимни ҳал қилганимча йўқ. Бунга бироз фурсат бор. Номзодларнинг чиқишларини диққат билан кузатяпман. Энг ҳалол ва энг одил инсон учун овоз бермоқчиман.



Депутатликка номзодлар рўйхати матбуотда эълон қилинган, сайловолди ташвиқоти бошлаб юборилди. Бу галги ташвиқотлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилади, зеро адолат тамойиллари ва ҳолислик биринчи ўринга қўйилмоқда. 170-Оққўрғон сайлов округи 2-сайлов участкасида ҳам бунга катта эътибор қаратиляпти. Чунки рўйхатга олинган 1657 нафар сайловчининг бир қисми илк бор сайловларда қатнашаётган ёшлар. Суратда: кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ботир Шерғозиев фаоллар билан. Ҳ.АВВАЛОВ олган сурат.

ПОРЛОҚ КЕЛАЖАК УЧУН

Учрашувларни ўтказишда биз битта қоидага қатъий риоя қиламиз, - дейди 89-Дўстлик сайлов округи раиси, Давлат мулки қўмитаси вилоят бошқармаси раисининг ўринбосари Яҳёнов Усмонов. - Бу қоида округимизда рўйхатга олинган олти номзоднинг ҳар бирига ўз сайловолди дастурларини эълон қилиши учун тенг шароит яратиб беришдан иборатдир. Сайлов участкаларида рўйхатга олинган Олий Мажлис депутатлигига номзодлар билан учта учрашув ўтказилди. Уларнинг барчаси «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига

ни кузатиб борамиз, - деб гапни давом эттирмади Я.Усмонов. - Шу билан биргалликда хозирги кунда олдимизда турган энг масъул вазифалардан бири - белгиланган мuddатгача сайловчилар рўйхатини тузиб, барчанинг танишиб чиқиши учун такдим этишдан иборат. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайловлар ўтказувчи 90-Наманган сайлов округи комиссияси аъзолари ҳам худди шундай муам-

аъзолари депутатликка номзодлар билан учрашувлар ташкил этмоқда. Округимизда 6 та номзод рўйхатга олинган. Демак, сайловчиларимиз ким учун овоз беришларини ўйлаб кўриши керак. Сайловчиларда депутатликка номзодлар ҳақида ҳақиқий таассурот ҳосил бўлиши учун учрашувларнинг ўзигина етарли эмас. Ахир округда 50 мингга яқин сайловчи бор. Уларнинг барчаси ҳам ўтказилаёт-

ўтказилиши режалаштирилмоқда эди. Япония ҳукумати об-хавонинг нуқулай келиши муносабати билан бўлажак тадбир Токиода ўтказилиши ҳам мумкинлигини маълум қилди. Об-хавони ўрганивчи мутахассисларнинг фикрича, Окинава оролида ўша кунлари кучли довул бўлиши мумкин. Оролда сўнгги ўттиз йил ичида йиғирмадан ортиқ шундай ҳодиса юз берган. Утган йилнинг 25 июли ва 4 август оралиғида ҳам икки бор шундай довул бўлганида транспорт ҳаракати бутунлай тўхтаб қолган эди.

Депутатликка номзодлар рўйхати матбуотда эълон қилинган, сайловолди ташвиқоти бошлаб юборилди. Бу галги ташвиқотлар аввалгиларидан тубдан фарқ қилади, зеро адолат тамойиллари ва ҳолислик биринчи ўринга қўйилмоқда. 170-Оққўрғон сайлов округи 2-сайлов участкасида ҳам бунга катта эътибор қаратиляпти. Чунки рўйхатга олинган 1657 нафар сайловчининг бир қисми илк бор сайловларда қатнашаётган ёшлар.

Суратда: кишлоқ фуқаролар йиғини раиси Ботир Шерғозиев фаоллар билан.

Ҳ.АВВАЛОВ олган сурат.

БИЗДАН СЎРАБСИЗ

Саволларингизга Ўзбекистон таълим ва фан ходимлари касабаси уюшмалари Марказий Қўмитаси Бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради.

1. Имтиёзлардан фойдаланиш шаҳар ва кишлоқ ўқитувчилари учун қандай белгиланган? М.Жуманазаров, М.Аҳмедов, У.Матқаримов, Хоразм вилояти Хазорасп тумани М.Улуғбек номида 45-ўрта мактаб ўқитувчилари. 2. Оиласида 2 нафар ўқитувчи ва бир нафар тиббий ходим (хамшира) бўлган хонадонда газ ва электр энергияси имтиёзларидан қандай фойдаланилади? Илҳом Махмудов, Хоразм вилояти, Гураан тумани, Хизир эли кўчаси 133-уй. 1. Жавоб: Давлат ва ташкилот жағармасига ҳамда курилиш кооперативларига қарашли уйларда, шунингдек шахсий уйларда яшовчи педагог ходимлар маиший хизматлар (сув, газ, электр қуввати ва иссиқлик) учун имтиёзли ҳақ тўлаш ҳуқуқига эгадирлар. Кишлоқ ва шаҳар шаклидаги кишлоқ жойларда яшовчи ўқитувчилар турар жой ва маиший хизматлар учун ҳақ тўлашдан озод этиладилар. Белгиланган тартибга биноан электр қуввати бўйича имтиёзга эга бўлган фуқароларнинг оиласига ойда 110 квт микдорда кишлоқ жойларида 100 фойз имтиёзли тўловлар кўрсатиб ўтилган. Шаҳарда яшовчи мактаб ўқитувчилари ҳақ тўлашдан 50 фойзга озод этиладилар. Табиий газ учун имтиёзли тўловлар меъёрлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 31 декабрдаги 541-сонли қарори билан тасдиқланган. Мазкур қарор асосида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги 1999 йил 11 февралдаги И/И.06-03-17/105 сон-

ли тушунтириш хатида айтилишича, имтиёзга эга бўлган фуқаролар уй-жойни иситишда унинг 40 квадрат метри учун имтиёздан фойдаланиш ҳуқуқига эгадир. Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида бир йиллик имтиёзли микдори 2880 м³, бир ойлик микдори 240 м³, бошқа вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўйича бир йиллик микдори 2640 м³, бир ойлик микдори 220 м³ ни ташкил этади. Овқат пишириш учун ишлатиладиган табиий газнинг қуйидаги ҳажмлари имтиёзли тарзда тўланади: марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган хонадонларда - имтиёзга эга бўлган ҳар бир киши учун бир ойда 9 м³, марказлаштирилган иссиқ сув таъминоти бўлмаган хонадонларда - имтиёзга эга бўлган ҳар бир киши учун бир ойда 12,5 м³ метёри белгиланган. 2. Агар хонадонда имтиёз ҳуқуқига эга бўлган бир неча фуқаро истиқомат қилса, у ҳолда овқат пиширишга ишлатиладиган табиий газ тўловлари учун уларнинг ҳар бирига имтиёз берилмади. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 1999 йил 11 январдаги 06-03-17/54 - сонли хатига асосан, 1999 йилнинг 1 январидан бошлаб имтиёзлардан фойдаланувчи ҳар бир педагог ходимнинг фақат ўзи учун газ бўйича меъёрлар белгиланган. Электр қуввати эса 1 оила учун (оилада неча киши педагог бўлишидан қатъи назар) 110 квт га имтиёз белгиланган.

В А Ш И Н Г Т О Н. АҚШ Давлат котиби Мадлен Олбрайт ташаббуси билан америкалик дипломатлар Шарқий Тимор қочқинлари масаласи бўйича Жакарта расмийлари билан музокара ўтказиш учун Индонезияга сафар қиладиган бўлди. Давлат департаменти расмий вакили Жеймс Рубин бу ҳақда баёнот бериб, АҚШнинг БМТдаги доимий вакили Ричард Холбрук ҳамда М.Олбрайтнинг ёрдамчиси Стэнли Рот 18-22 ноябр кунлари Индонезияда бўлишини маълум қилди. Улар Фарбий Тиморда ҳам бўлиб, қочқинларнинг яшаш шароити билан танишади. Ж.Рубиннинг айтишича, АҚШ ҳукумати ўлка қочқинларига инсонпарварлик ёрдами тариқасида 30 миллион доллар ажратган.

Ўтказилиши режалаштирилмоқда эди. Япония ҳукумати об-хавонинг нуқулай келиши муносабати билан бўлажак тадбир Токиода ўтказилиши ҳам мумкинлигини маълум қилди. Об-хавони ўрганивчи мутахассисларнинг фикрича, Окинава оролида ўша кунлари кучли довул бўлиши мумкин. Оролда сўнгги ўттиз йил ичида йиғирмадан ортиқ шундай ҳодиса юз берган. Утган йилнинг 25 июли ва 4 август оралиғида ҳам икки бор шундай довул бўлганида транспорт ҳаракати бутунлай тўхтаб қолган эди.

Усама бин Ладенни судга топшириш ҳақидаги талаби бажарилмагани сабаб, БМТ толибларга нисбатан шундай жазо қўлашга қарор қилди. Хавфсизлик Кенгашининг бу ҳақдаги резолюциясида кўрсатилишича, бундан буён толибларнинг хоржиий банклардаги ҳисоб рақамлари ёпилади ва Афғонистонга ҳаво транспорти қатнови тўхтатилади.

Қ О Х И Р А. Қуддусда Фаластин ва Исроил вакиллари ўртасида навбатдаги музокара ўтказилди. Хабарларга қараганда, унда Фаластин давлатининг келажак

Г А В А Н А. Кубада Лотин Америкаси минтақаси мамлакатлари, Испания ҳамда Португалия давлат ва ҳукумат раҳбарларининг учрашуви бошланди. Тўққизинчи бор ўтказилаётган навбатдаги учрашувда - йиғирмадан ортиқ мамлакат вакиллари ва халқаро кузатувчилар иштирок этаётди. Куба ташқи ишлар вазирлиги вакилининг журналистларга маълум қилишича, учрашувда Панама каналининг топширилиши, «Митч» довули талофатларини бартараф этиш борасидаги ишлар якуни ҳамда минтақавий хавфсизлик масалалари муҳокама қилинади.

Кофи Аннанининг Хитойга тўрт кунлик сафари бошланди. У ташриф давомида Хитой раиси Цзян Цзэньшанга бошқа раҳбарлар билан учрашди. Учрашувларда томонлар БМТнинг халқаро микёсдаги обрўсини ошириш, Хитойнинг Шарқий Тиморда тинчликни қарор топшириш борасидаги ишларга қўмағи ҳамда мамлакатда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари юзасидан музокаралар ўтказилди.

Н Ё У - Й О Р К. АҚШ қутқарув хизмати 31 октябр кунини ҳалокатга учраган «Боинг-767» самолётининг иккинчи «қора қути»сини ҳам топшига муваффақ бўлди. Унда экипаж аъзоларининг барча мулоқотлари ёзилган. Мутахассисларнинг фикрича, у фалокат сабабини аниқлашда катта ёрдам беради. Биринчи қути бир неча кун илгари топилган эди. Бироқ унда фақат техник маълумотлар ёзилган экан, холос.

Қорақалпоғистон Республика кутубхонасида Ажиниёз ижоди ва фаолиятига бағишланган адабий-муосиқий кеча бўлиб ўтди. Унда сўзга чиққан таниқли олимлар хассос шоир қорақалпоқ ёзма адабиётини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшгани, ўз ижодида, айниқса, «Бўзатов» асариде эл-орт овозлиги ва мустақиллиги, ўзаро дўстлик ва тотувлики, она табиат ғузаликларини тараннум этгани ҳақида сўзладилар. Тадбирда шоир шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар янгради.

OLAMDA NIMA GAP

Ажиниёз таваллудининг 175 йиллиги олдидан Шоирга эҳтиром

Қалбимизни эзгулик тарк этмасин

Эски чорповда хали ёш бўлсада, сочлари бутундай оқариб қолган йигит кўкка кўз тикиб ётибди. Уттиз йилдан бери шу ахвол: ётган жойида ламба-лам сигарет чекади, шеър ёзади, чизади, учиради. Кўнглидаги гапларни оқ қозоғга тушириши, сўнгисиз дардларини шеър сатрларига сингдириши керак. Токи унинг беқорга яшаётганлигини, жамиятга ўз иходи билан баҳоли-қудрат хисса қўшаётганлигини одамлар билишсин.

Лекин энди тиззалари буқилмайдиган бўлиб қолди! Уша пайтда сунъий бугин куйиш буйича тажриба олиб борилаётган эди. Бироқ, негадир бундай тажриба хали қиймига етмаганлиги учун барча умидлар пучга чиқди. Шу-шу Рустам Раҳмонов ҳамнинг ёдидан чиқди. У осмонга қараган ҳолда уззукун ётарди. Бироқ, унда яшагча, ҳаётга умиди сунмади. Ётган жойида шеърлар машқ қилди. Шеърларини ўқитувчи синглиси Бибисора куриб чиқар, шоирларнинг янги китоблари, адабиётшуносликка оид қўлланмалар қилишни истайди. Куп ўқийди, куп ёзади. Оёқларининг эриқираб оғриётганига парво қилмаслиқча уринади. «Куррашдан тўхтамайман!» У ҳар бир тонги ана шу шиор билан кўтиб олади. Оёқлари ҳаракатсиз ётса ҳам қўли ёзилган, мияси фикрлашдан, янги-янги мавзулар излашдан тўхтамайди. Инсон умид билан яшайди. Умид уни ҳам ҳеч қачон тарк этган эмас. Бир кун ийигининг олди-га туман марказий шифохонасидан дўхтир келди. - Газетага ёрдам сураб ёзган экансиз, - деди у. - Ле-

Барибир Рустам ҳаётдан умидини узмади. Қаранглик унинг олдига наҳот «париси» - Хайринисо келди. Носиранинг қайинсинглиси Гулчехра Фаргонанинг Қувасига келин бўлиб тушганди. Келинги шу қишлоқда яшовчи Хайринисони ҳамроҳ қилиб юборишди. Инобат опа уларни меҳмонга қақирганди. Шунда меҳмон қиз Рустамнинг олдига кириб, у билан суҳбатлашди. - Турмушга чиққанисиз? - Рустам қизга синовчан тикилди. Хайринисо қизарди. - Узингизчи, ўзингизчи -

тузгитиб юборди. Оғир оёқ Хайринисонинг қон босими кўтарилганда шифохоналарга қабул қилишмади. У оғир ахволда дўхтирхонага турт кун қатнади. Охири «Тез ёрдам» олиб кетишди. Бироқ, кеч бўлганда. Чала тузилган чақалоқ атиги 8 кун яшади. Рустам Раҳмонов олдида кавардонлик марҳум ёзувчи Ҳамид Мурод, Йулдош Одилов, Чулпон Эргашлар тез-тез келиб туришар, шеърларини газеталарда чиқаришга ёрдам беришарди. Ёзувчи Тоҳир Малик мажрўх ижодкор билан ачагина суҳбатлашган, унинг шеърлари муҳокамаи муваффақиятли утганигини айтган эди. Рустам ака яна 200га яқин шеър тайёрлаб қўйибди. Бу шеърларнинг ҳар бири ёзиш нақадар машаққатли бўлганлигини биламиз. Бибисора уларнинг имлосини туртилади, болалар боғчаси тарбиячиси Қизилгул, укаси Бахтиёрнинг турмуш уртоғи Гулнора қўлэмаларни машинада чиқарди. - Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасидан бирор вакил келса яши бўларди. Ниятим - тулпам тайёрлаб, нарийётга топшириш. Афсуски, урнимдан туриб, Тошкентга боролмайман. Агар Хайринисо бўлмаганда аллақачон ҳаётдан қўнғим совиб, таркидуё килардим, - дейди у. Бундай одамларни ҳаммаша йўқлаб туришимиз, бир оғиз ширин сузимиз билан бўлса-да, қўнғилларини кўтаришимиз лозим. Чунки, улар сиз билан бизнинг муруватимизга илҳак.

Латифжон МАНСУРОВ.

«КУРАШДАН ТЎХТАМАЙМАН»

ёки мурувватга илҳак йигит қарори

... Рустамлар оиласи асли Наманганнинг Олмос қишлоғидан. Исломали ака ва Инобат опалар Юкори Чирчиқ туманидаги Бөлсинди қишлоғига кўчиб келишганда Рустам эндигина уч ёшга тулганди. Бола мактаб ёшига етганда ота-онаси қандоқ қувонилган эди! У астойдил сабоқ олар, «беш» баҳосини кўз-кўз қилгани уйига югурарди. Бешинчи синфда шеър ёзиб, она тили ва адабиёт ўқитувчиси Абдуғофир ака Қорабоёвга курсатганда, у «Машқинги бушаштирма, келажакда шоир бўлиб етишсанг ажаб эмас», деб умид билдирганди. Қишлоқ кишиларининг таъшишлари куп. Ота-она уйил-қизини уйлаб, топган-тутганини сандиқча босади, ризидан қийиб гилам-поёндоз олади, қатор-қатор уй солади. Ана шу таъшишлар билан бўлиб, унча-мунча дардин дард дейишмади. Исломали ака ва Инобат опалар ҳам Рустам ҳар замонда оёқлари оғриётганидан шикоят қилганда парво қилишмади, шамоллагандирсан, деб қўяқолишди. Кейинчалик уларнинг оиласи Аҳмад Ясавий номли жамоа ҳужалиғига кўчиб келди. Мактаб анча узокда эди. «Шамоллаган» Рустам ҳар кун узок йўл босиб, оғриётган оёқлари билан мактабга қатнарди. Шу ахволда еттинчи

синфини тамомлади. Келгуси йили оғрик кучайиб, қадам босишга қийналиб қолди. Уни шифохонага ётқизишди... Шифокорлар Рустам Раҳмоновнинг касалини узок вақтга аниқлаб олмадилар. Бери у деди, бири бу деди. Бундан ташқари, қишлоқ шифохонасида замонавий тиббиёт асбоблари йўқ эди. Ниҳоят болада суяк сили бор, деган тахмин қўйишди. У энди Тошкентдаги болалар санаторийсида уч ой наҳот қўлиб ётди. Бу ерга таникли тиббиёт шифокорлари тез-тез келиб туришарди. Москвадан бир профессор келиб, Рустамда суяк сили йўқ, деди... Кунлардан бир кун уйкудан уйғониб, уридан турмоқчи бўлди. Лекин, чидаб бўлмас оғриқдан додлаб юборай, деди. Рустам оёқлари остига ёстиқ қўйиб, тиззаларини ярим буккан ҳолда ётиб қурди. Қаранглик, оғрик пайсайд. Ором топгандек бўлди. Узок ётди. Ота-онаси ҳам углимиз шу алфозда ётаверса зиён қилмаслиқан, деб дўхтирлардан сурашмади... Тақдир Рустамга навабдаги зарбасини тайёрлаб турган экан: буккиган оёқларини шунча ҳаракат қилса ҳам ёзолмади. Ўзбекистон травматология ва ортопедия илмий-теқшириш институтида аввал бир оёғини, кейинчалик иккинчисини операция қилиб, тугрилаб қўйишди.

қелтириб берарди. Шеърят уни бутунлай узига оғдирди олди. Бармоқлари толгунча ёзаверди. Рустам А.Қаҳҳор номидаги 30-кечки ишчи-ёшлар урта мактабини сиртдан тамомлади. У она тили ва адабиёт ўқитувчиси Сафарали Анорбоевнинг беминнат ёрдамлари, қимматли маслаҳатларини миннатдорчилик билан эслади. Айниқса, тумандаги «Суръат» газетасида биринчи шеърини чиққан кун дунёда ундан бахтли одам йўқдек туюлди. Ҳаёт - бамисоли уммон. Ундан мақсад бекатига зиён-захматсиз ётиб олиш учун курашиш керак. Курашсиз ҳаёт тўхтамайди. Рустам уззукун осмонга қараб ётиб, шулар ҳақида уйланди. Санобар Умарова, Муҳаббат Мирзаевадек сабр-бардош билан ижод

кин, қўлимиздан ҳеч нарса келмайди. Бизда сизни даволайдиган шифохона йўқ ҳисоби. Фақат вилоят шифохонасига ҳар йили бепул йўлланим топиб берамиз. Зора, фойдаси тегса. Рустам бу имтиёздан икки йил фойдаланди. Оёқларини дадил босиб кета олмасча ҳам, ҳар ҳолда оғриқлари бироқгина пайсайд. Уша дўхтир кейинчалик келмай қўйди... Исломали ака ва Инобат опалар 6 ўғил, 3 қизни тарбиялаб, воёга етказишди. Рустам - тўнғич фарзанд. Қолганлари бола-чақали, уйли-жойли бўлиб кетишган. Биргина у - суққабаш. Оила аъзолари уни авайлашади, қўнғилга қарашади. Бояқши Инобат опа углининг соҳаларини силаб, беихтиёр оғир хурсинди, кўз ёшларини яширинча артиб олади.

ланганмисиз? - Мендек нотавонга ким ҳам тегадди? Масалан, ўзингиз тегадирингиз? Хайринисо ушанда «билмадим» деб жавоб берганди. Куп ўтмай Қувадан хат юборди. Ундаги илиқлик, сатрлар орасига яширинган гаплар йигитнинг этини жимирлатди, ҳали замон Хайринисо келиб қолагандек юраги хақирди... Ушанда Хайринисо тақдир зарбасига учраган йигитга бир умр ёстиқдош бўлишга, ундаги ҳаётга иштиёқни кучайтиришга аҳд қилганди. Аҳдида турди. Ширингина туй қилишди. Улар биринчи фарзандларини интизорлик билан куттиди. Афсуски, шифокорларнинг совуққонлигини эр-хотиннинг ширин ҳаёлларини пардек

участка вакили бундай ҳолнинг олдини олиш учун маҳалла фаоллари билан гаплашиб олади. Фуқароларнинг ҳушёрлигини оширишга эътибор қилиш, улар билан яқин муносабатда бўлишни муҳим санади. Дарвоқе, ёшларимизнинг турлиги, айрим кишиларнинг соддаликдан фойдаланиб уларни нотўғри йўлларга ачингандай бўладию, ана энг муҳими - элимиз тинч бўлсин-да, деб қўяди. Яқинда у «Хизматда намуна курсатган участка вакили» курак нишони билан тақдирланди.



15 Ёшли ЧЕМПИОН

Хушхабар қўшқанот бўлади, деганларича бор экан. Уша кун Тошкент шаҳридаги 118-мактабнинг ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Дилфуза Набиева гоҳ ҳамкасблари, гоҳ угли Бехзод ўқийдиган 10-«Б» синф ўқувчилари томонидан пича ҳавас ва катта ифтихор ила билдирилган табрик ва курсатилган эҳтиромдан бамисоли куш бўлиб қўқларда учиб юрди. Гарчанд угли бундан уч йил муқаддам кик-боксинг буйича усмирлар уртасида ўтказилган Ўзбекистон чемпионатида ўз вазини буйича барча рақибларини ёнгиб, голиблик шохсуласининг энг юқорисидан жой олгандан буён кечган давр ичиде у бундай галабаларга ана кункичи қолган эса-да, барибир она-да, жигарбаликнинг кургиси, бағрига босиб қўтлагиси келиб кетди. Ҳам бейхитёр юрагини хавотир босди: ишқилиб узига шикаст етмаганмикан? Абдусалом ака хотинидаги безовталикни кўриб ҳазиллашди. - Чемпионнинг онаси бўлиш осон эканми! Чидаймиз-да энди бу ёғига ҳам. - Галингизини ел учирсин, - баттар ҳаяжон босган Дилфуза она яна суради. - Ёки чиндан ҳам... Абдусалом ака тинчлан-тирди. - Федерациядаги уртоқларга қўнғирқ қилгандин. Ҳаммаси жойида, дейишди. Сени ҳам табриклар куйишимини илтимос қилишди. Узи ёшлигида бокс секциясига қатнагани, шу боис қизикарили бу қўл жангининг паст-баландини яқин билгани учунми, Абдусалом ака углининг ютуқларига ҳам анчайин ваэин муносабатда бўлишига Дилфуза она урганиб қолган. Аслида Бехзоднинг қисқасига таржимаи ҳолига отасининг таъсири кучли. Олти ёшдангоҳ гимнастика мактабиде таҳсил қўра бошлаган Бехзод Набиева

ёв кейинчалик боксга меҳр қўйди. 1995 йилдан эка «Биллур» спорт клубида кик-боксинг билан шуғулланиб келади. Тренери Руслан Даҳодоновнинг меҳнатлари зое кетмади. Қолаверса, гимнастика билан шуғулланиш асноси ҳосил қилинган кункима - ўзини назорат қила билиш қобилияти Бехзодга рингда енгил ҳаракатланишида қўл келаетир. Буну у илк бор қатнашган Бишкек шаҳрида ўтказилган Халқаро турнирда мутахассислар ҳам қайд эттишди. Бехзод Набиев уйига олтин медал ва гилам билан кириб келди. Шу йил август ойида Андижон шаҳрида бўлиб ўтган мамлакат биринчилигида яна Бехзодга омад қўлиб бокди. У иккинчи марта Ўзбекистон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди. Орандан бир ой ўтиб, Қозғистоннинг Жамбул шаҳрида Бехзод Осиев мамлакатларидан ташриф этган тенгқўрлари билан бўлган олишувларини ҳам ўз фойдасига ҳал қилди. У ерда истеъдодли кик-боксчимиз «Энг яқши техникаси учун» деган алоҳида совриннинг ҳам соҳиби бўлди. Бехзоднинг муваффақиятлари укаси Фарруҳга ҳам таъсир этмай қолмади. Ҳозир ака-ука кик-боксинг сирларини биргаликда егаллашмоқда. - Мақсадим - жаҳон миқёсида тобора обрў-эътибор қозониб бораётган жонаҳон Ўзбекистонимиз шарафини йирик мусобақаларда ҳам муносиб ҳимоя қилиш, - дейди Бехзод Набиев биз билан суҳбатда. - Мактабин тугатгач, албатта, жисмоний тарбия олиёғоҳига киришга ҳаракат қиламан. Эзгу орзуми шу - яқши мураббий бўлиб, қўллаб шогирдлар етиштириш. Оруннинг ҳамроҳинг бўлсин, Бехзод!

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН. Сурада: Кик-боксинг буйича Ўзбекистон чемпиони Бехзод онаси Дилфуза Набиева билан ўз қувончини баҳам қўраётди.

Р.АЛЬБЕКОВ олган сурат.

Ҳар тўғрида

Фильмда Уйнаган ШЕР

Кримда «Дон Кихот» фильмининг кинога олиш учун қир артист Эдерни Вася деган шери билан тақлиф қилишди. Эдер шерни Санкт-Петербург ҳайвонот боғидан олган экан. Ҳайвон сценарийда нима қилишимиз лозим бўлса, ҳаммасини қўнғилдагидек адо этган. Кейин шерни яна уша ҳайвонот боғига топширган. Орандан бир ярим йил ўтгач, Эдер хотини билан Санкт-Петербургга келади ва кинода бирга уйнаган шеринини қўриш мақсадида ҳайвонот боғига боради. Шер уларни дарров таниган ва тўв яна бирга ишласак бўлади дегандек, кримда қилинган қилиқларни қайтара бошлаган.

САРИМСОҚ ВА РАК КАСАЛЛИГИ

Америкалик олимлар Чикагодаги Иллинойс технология институтида саримсоқ таркибидеги диаллилди-сульфид моддасини метиллиротозомочевина канцерогени таъсир эттирилиб касалга дучор қилинган 100 та оғмаҳонда сынаб қўришди. Канцерогеннинг узи таъсир эттирилган назорат гуруҳида ҳайвонларнинг 46 фоизида трахея усмаси пайдо бўлди. Диаллилди-сульфид таъсир эттирилган ҳайвонларнинг эса фақат 14-19 фоизигина рак билан касалланди. Оғмаҳонлардан диаллилди-сульфид буги билан нафас олдирилган яна бир гуруҳи ҳам рак билан камроқ касалланган. Натижалар саримсоқ қаврда рак усматаси бўлса худди шу ерда кўпроқ таъсир қилиши тўғрисидаги таҳминни тасдиқлади.

Урта Чирчиқ тумани 50-урта мактаб томонидан Илҳом Эламасов номига берилган 092652-рақамли таянч маълумот тўғрисидаги гувоҳнома йўқолганлиги муносабати билан бекор қилинади.

Участка нозиринг бир куну

Дарвоза эшиги тақиллаб, ичкаридан сочларига оқ оралаган аёл чиқиб келди. -Уэр, олажон, паспортларингизни қўрмақчи эдим. - Мурожат қилади милиция майори Худойберди Қурбонов. Ҳужжатларни қўздан кечиргач милиция ходими аёлга миннатдорчилик билдиради. Бир пийёла чойга тақлиф этилган участка нозир раҳмат ихор этганча бошқа бир хонадон эшигини қоқайди. Бу гал Худойберди ака уй эгасидан ҳужжат сурамайди: «Қалай, эрингиз ичмайтми?» - деган саволни беради, холос. -Ҳозирча йўқ, -деган жавобни олгач, бизга юзланди: - Эри куп ичеди. Уйдаги нарсаларни ҳам сотишга тушган хотини бизга мурожаат қилди. Ҳозир унинг устидан назоратини кучайтирганмиз. Маҳалла фаолларимиз ҳам яқиндан ёрдам бериб, атрофдаги фуқаролар агар Иван ул-бул нарсани арзон сотадиган бўлса, сотиб олмаглар деб тайинлаб қўйилган. Шаҳрисабд тумани ИИБ катта участка вакили, милиция майори Худойберди Қурбоновнинг фаолиятида юқоридегидек воқеалар деярли ҳар кун учрайди. Негаки, хизмат тақозоси, яъни маҳалла-

МАҲАЛЛА ТИНЧ - ЮРТ ТИНЧ

да яшаётган фуқаролар тинчлигини таъминлаш учун қонунчилик талабларининг бажарилишини назорат қилиб туриш худди шундай қилишни тақозо этади. Дарҳақиқат, участка вакиллари фаолияти жуда кенг қамровли бўлиб, улар аралашмаган иш йўқ ҳисобланади. Айниқса, Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан «Маҳалла нозирлари» ташкил этилгач, улар

МАҲАЛЛА ТИНЧ - ЮРТ ТИНЧ

пани иккита қилганча йўқ. Рўзгор бор экан, эр-хотин уртасида келишмовчиликлар бўлиб туриши табиий. Лекин, бир хонадондан йғи овози эшитилиб қолса ҳам Худойберди ака боришга мажбур. Чунки вазифаси. Борган нима дерди: эри-хотиннинг уриши - дока рўмоннинг қўриши деганларидек, улар ҳеч вақт утмай тиниб-тинчиб қолишади. Бироқ, узлари тинчиб кетар деб кузатувчи бўлиб туриш ҳам яқши эмас. Негаки, бундай жанжаллар оқибатида оғир жиноятлар ҳам келиб чиқиши мумкин. Шу боис,

МАҲАЛЛА ТИНЧ - ЮРТ ТИНЧ

«Уточар бомба» ҳам шу тарика иҳтиро қилинган. Бу қуролдан қишлоқ ва шаҳарларни мудофаа қилишда ёки забот этишда кенг ишлатилган. Бора-бора «нефт бомбаси» бутун Урта Осиё ва қўшни мамлакатларга ҳам тарқалган. XII аср охирларида қўчманчи қипчоқлар славянлар билан бўлган жанда фарғоналиклар бомбасини ишга солишган. Бу ҳақда қадимий рус адабиётининг ёдгорлиги «Игорь жангномаси»да ҳам айтиб утилган. XIV асрга келиб нефт бомбаси даҳшатли қурол ҳисобланган. Ҳар қандай

МАҲАЛЛА ТИНЧ - ЮРТ ТИНЧ

Халқаро «Темпус-Тасис» дастури жаҳондаги қўнғина мамлакатлар олий ўқув юртиларида таълимнинг илгор иш тажрибаларини оммалаштиришга ҳам хизмат қилмоқда. Ушбу нуфузли дастур доирасида яқинда Испаниянинг Гранада университетиде ташкил этилган халқаро анжуманда ҳам ўқитишнинг қатор долзарб масалалари кўриб чиқилди. Бу таълимий тадбирда Ўзбекистон Давлат Жаҳон тиллари университети делегацияси ҳам қатнашди. Гал шундаки, Гранада университети билан жаҳон тиллари олий ўқув юрти уртасида ҳамкорлик шартномаси тузилган бўлиб, ўзаро борди-келди алоқалари йўлга қўйилган. Бу сафарги халқаро анжуманга Гранада университети ўзбекистонлик ўз ҳамкорларини ҳам тақлиф этди. Ўзбек делегацияси Испанияга қилган шу сафар чоғида Гранада университетининг умумий бошқарув тизими, яъни ўқув академик бўлимлари, кутубхона, бухгалтерия-хисоб бўлими иш фаолиятлари билан ҳам яқиндан танишди.

МАҲАЛЛА ТИНЧ - ЮРТ ТИНЧ

«Ишқ рисоласи», «Қўш рисоласи», «Ахлоқ рисоласи» каби асарларини курсатиб ўтиш мумкин. Буюк даҳо томонидан «Уржуза» деб аталган тиббий достон ҳам яратилди. Маҳорат билан ёзилган ана шу асар яқинда алоҳида рисола ҳолида чоп этилиб, китобхонларга тақдим этилди. Бу хайри ишга ибн Сино халқаро жамғармаси бош қўшди. Уни Абу Али ибн Сино номидаги тиббиёт нашриёти куп нусхада босиб чиқарди.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари 4-дарajasи

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЙУМОВ Таҳрир қўймати: Ж.Алимхўжаева, М.Одилова, Э.Воҳидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёкубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), А.Алламуродов (масъул котиб- «Ишонч»), Ч.Латипов, М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР: Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-73 Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маъмурият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр курсаткичи: 133; 134 Газетага 1998 йил 11 нолда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютериде терилди ва сақлаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табақ, Сутулада эркин нархида. «Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Босишга топшириш вақти - 21.00 Топширилди 21.30